**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси раиси
А.И.Махсудов
"17" август 2021 йил

**ДХШ лойиҳасининг намунавий концепцияси**

**I. Лойиҳанинг тавсифи**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳанинг номи:** | Андижон вилоятининг Улуғнор ва Баликчи туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш |
| **Тармоқ номи:** | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш |
| **Лойиҳа тури:** | Маиший чиқиндилар билан боғлиқ соҳасида Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси |
| **Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми** | Хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш |
| **Давлат шеригининг номи:** | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси |
| **Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):** | Андижон вилоятининг Улуғнор ва Баликчи туманлари |

**II. Дастлабки танлов натижалари**

| |
|---|
| ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарорига мувофиқ барча тегишли ҳужжатлар тақдим қилинди. |

**III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари**

| | **Қўшимча маълумотлар** |
|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг ЛБҲ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги:<br>✓ Ҳа ☐ Йўқ ☐<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.<br>**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тайёрланди.** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2. | Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори ☐<br>Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐<br>Бошқа ☐<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: | | |
| 3. | Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?<br>Ҳа ☐<br>✓ Йўқ ☐ | | |
| 4. | Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:<br>Мамлакатда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида Андижон вилоятининг Улуғнор ва Балиқчи туманларида ҳудудида санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширилади, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқишнинг самарали механизмлари жорий этилади.<br>Маиший чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма такомиллаштирилади, туман ҳудудлари доирасида янги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилади ва контейнерлар билан жиҳозланади. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими такомиллаштирилади, мазкур тизимнинг бошқарилишини ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш ишлари бажарилади.<br>Маиший чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш, зарарсизлантириш учун зарур ускуна ва линиялар келтирилади, қуриб ишга туширилади, ва улардан мақсадли фойдаланган ҳолда юқорида кўрсатилган ишлар бажарилади. | | |
| 5. | а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси (2-илова):<br><br>(1347,64 минг АҚШ доллари)<br><br>**14150,22 млн.сўм** | б) Эксплуатация харажатлари миқдори:<br>(ЛБХда)<br><br>**585,05 млн.сўм** | в) Умумий харажатлар:<br><br>(1403,4 минг АҚШ доллари)<br><br>**14735,3 млн. Сўм**<br>*(курс:10500)* |
| | г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 10 йил<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br>3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☐ >30 ☐ | д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 3 йил<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br><10 ☐ 10-30 ☐ >30 ☐ | |

| | | |
|---|---|---|
| 6. | а). | Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг:<br>✓ Фойдаланганлик учун тўлов ☐ |
| | б). | Фойдаланганлик учун тўлов:<br>***ДХШ лойихаси доирасида бир ойда аҳолидан кўрсатилган хизмат учун тўлов 517,8 млн.сўм (1-илова)***<br>Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐ |
| | в) | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 августдаги 509-сонли Қарорига асосан Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффиқиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби томонидан ваколатли давлат органига лойиҳа қийматидан 0,2 фоиз (14 150.2*0.2%= 28.3 млн сўм) миқдоридаги бир мартлик тўлов ДХШ тўғрисидаги имзоланган битим реестрга олингунга қадар тўланади. |
| 7. | а) | ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:<br>Хусусий ташаббускори ☐<br>Давлат ташаббускор ☐<br>***Давлат экология қўмитаси*** томонидан ташаббус қилинмоқда. |

8. Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.

| **Хавф ёки хатарлар турлари** | Давлат шериги | Умумий | Хусусий шерик | Хатар тақсимоти асоси | Изох |
|---|---|---|---|---|---|
| Лойиҳага тегишли хавф хатарлар | | | ● | | |
| Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи | | | ● | | |
| Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар | ● | | | | |
| Молиявий хатарлар | | | ● | | |
| Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) | ● | | | | |
| Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган) | | | ● | | |
| Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| Лойиҳа шартномаси тузулганидан кейинги | ● | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан) | | | | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| | Тарифларнинг ўзгаришиг боғлик хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузулганидан кейинги лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан) | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари | ● | | | | |
| | Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши | ● | | | | |
| | Сиёсий бекарорлик хатарлари | ● | | | | |
| | Таъмир ва реконструксияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулк конфискацияси | | ● | | | |
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик/ ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлик) | | | ● | | |
| | Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб билан боғлиқ хатарлар | | | • | | | | |
| | Бошқа | | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган санани кўрсатинг: | | | | | |
| | | | Сана | | | Сана |
| | а) | ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2021 йил август | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 2021 йил ноябрь |
| | б) | Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари) | 2021 йил август | е) | Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш. | - |
| | в) | Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ) | 2021 йил сентябрь | ё) | Молиявий якунлаш | 2021 йил декабрь |
| | г) | Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP) | 2021 йил октябрь | | | |
| 10 | | Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ Мавжуд. | | | | |
| 11. | | Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради) **14735,3 млн сўм** (1403,3 минг АҚШ доллари *курс:10500)* | | | | |
| 12. | | Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:<br>Бюджет маблағлари мавжуд эмас. | | | | |
| 13. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>✓ Ҳа ☐ Йўқ ☐<br>*Андижон вилоятининг Улуғнор ва Балиқчи туманлари вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан бугунги кунда қамров даражаси аҳоли кесимида паст. Жумладан, Улуғнор ва Балиқчи туманларида* ***258,9 минг киши*** *рўйҳатдан ўтган ҳолда истиқомат қилса, шуларнинг* ***201,7 минг*** *нафарига ёки* ***78 фоизига*** *биллинг автоматлаштирилган тизими маълумотларига кўра хизмат кўрсатилади. Мазкур ҳудуд хусусий шерикка бириктирилгандан сўнг* ***213 та*** *янги иш ўринлари яратилиши ва* ***8 та*** *махсус техникаларни киритилиши хисобига ҳудудда қамров даражасини 100 % гача етказилиш имкони яратилади, ва* ***7 та*** *чиқиндиларни йиғиш майдони,* ***50 та*** *чиқинди контейнерлари ўрнатиш орқали худуддаги экологик холати, инфратузилмасини яхшилашга эришилади, яратилган янги иш ўринларида ёшларни ҳамда эҳтиёжманд оила аъзоларини иш билан таъминлашга эришилади. Инвестиция доирасида олиб келиб ишга тушириладиган саралаш ускунаси орқали маиший чиқиндиларни саралаш натижасида ҳудудда ҳосил* | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| | | *бўлаётган маиший чиқиндиларни 36,5 % ни қайта ишлашга эришилади. Чиқиндиларни саралаш орқали таркибидан қайта ишланадиган махсулотлар ажратиб олинади. Шунингдек туманда чиқиндиларни қайта юклаш станциясини қуриш орқали ушбу ҳудудлардаги чиқинди полигонларини қисқартириш назарда тутилмоқда.* |
| 14. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?:<br>✓ Ҳа ☐ Йўк ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Тегишли лойихага мувофиқ мавжуд ва янги 8 та махсус чиқиндиларни ташиш техникалари, 1 та чиқиндиларни саралаш дастгохи ва 1 та чикиндиларни қайта юклаш ускунаси шунингдек қуриш режалаштирилган. Хизмат кўрсатувчи махсус автотрансорт воситалари 100 %гача GPS тизимига уланади. Чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 36,5 % гача етказиш учун зарур қувватдаги саралаш ускуналарини ўрнатиш.* |
| 15. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими?<br>✓ Ҳа ☐ Йўк ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Санитар тозалаш корхонасининг автохўжалигини замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда, бошқарув тизимини автоматлаштириш. Хизмат кўрсатувчи махсус автотрансорт воситалари 100 % гача GPS тизимига уланади.* |
| 16. | | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?<br>✓ Ҳа ☐ Йўк ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими шакллантирилади.* |
| 17. | | Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>✓ Ҳа ☐ Йўк ☐<br>Агар "Йўк" жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг (га.):<br>Тегишли намунавий лойиҳага мувофиқ ҳудудларда санитария меъёрлари талабларига асосан замонавий 12мх12м бўлган 7 та ЧЙМга эхтиёж мавжуд. |
| 18. | а) | Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чикиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐<br>✓ Йўк ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг: |
| | б) | Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐<br>✓ Йўк ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг. |
| 19. | | Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☐ |

| | |
|---|---|
| | Кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐<br>Бошқа<br>Мавжуд эмас |
| 20. | Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>*Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва хусусий шерик.* |
| 21. | Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менежери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. |

| **Маъсул этиб тайинланган шахс** | Давлат шериги |
|---|---|
| Ф.И.О.: | Адхамжонов Нозимбек Адылович |
| Лавозими: | Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар Республика бирлашмаси Давлат-хусусий шерикчиликни жорий этиш бўлими бошлиғи |
| Тел.: | +998712070770 (5003# 1072#), 99-409-70-02 |
| Электрон почта манзили: | www.eco.gov.uz |

**“Киритилди”**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари

__________И.Боқижонов

(Ф.И.О., имзо)

**“Келишилди”**

Давлат-хусусий шериклик ривожлантириш агентлиги директори в.б

__________ З.Бозоров

(Ф.И.О., имзо)

ДХШ Концепциясига 1-илова

## Андижон вилояти Улуғнор ва Балиқчи туманларида тақдим этилаётган ДХШ лойихаси доирасида аҳолини маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизмати билан қамраб олиш бўйича кутилаётган натижа

| Т/р | ДХШ лойихасига киритилган ҳудудлар | Статитика бўйича | | Амалда қамров | | Даражаси | | ДХШ лойихаси доирасида қамров | | Даражаси (фоизда) | | Хисобланган тўлов амалда (ахоли учун) сўмда | Хисобланган тўлов ДХШ лойихаси натижасида (ахоли учун) сўмда | ДХШ лойихасида кутилаётган ўсиш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ахоли сони | МФЙ сони | ахоли сони | МФЙ сони | ахоли | МФЙ | ахоли сони | МФЙ сони | ахоли | МФЙ | | | |
| 1 | Улуғнор тумани | 60 500 | 21 | 40 927 | 20 | 68% | 95% | 60 500 | 21 | 100% | 100% | 81 854 000 | 121 000 000 | 1,5 |
| 2 | Балиқчи тумани | 203 124 | 66 | 160 822 | 66 | 79% | 100% | 203 124 | 66 | 100% | 100% | 321 644 000 | 406 248 000 | 1,3 |
| **Умумий жами** | | **263 624** | **87** | **201 749** | **86** | 77% | | **263 624** | **87** | | | **403 498 000** | **527 248 000** | |

Давлат экология қўмитасининг Чиқиндилар билан ишлаш соҳасида иқтисодий тахлил ва тарифлар бўлими бошлиғи — О.Рахбаров

Давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўлими бошлиғи — Н.Адхамжонов

ДХШ Концепциясига 2-илова

**Давлат-хусусий шериклик лойихаси ташаббускори Давлат экология қўмитаси томонидан лойиҳа доирасида қизиқиш билдирадиган хусусий шерикка қўйиладиган инвестиция маблағлари ва мақсадлари бўйича талаблари ҳақида**

**М А Ъ Л У М О Т**

**АҚШ доллар курси (сўмда)** **10 500,0**

| Номи | Сони | Нархи (млн.сўм) | Суммаси (млн.сўм) | Молиялаштириш манбаси | | Умумий ( минг АҚШ доллари) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Хусусий шерик маблағлари ҳисобидан | Давлат шериги маблағлари ҳисобидан | |
| Чиқинди ташиш учун мўлжалланган махсус техника (хажми 7м3) | 7 | 739,0 | 5 173,0 | 5 173,0 | 0,0 | 492,7 |
| Махсус техника Мультилифт (Қайта юклаш станцияси учун) | 1 | 650,0 | 650,0 | 650,0 | 0,0 | 61,9 |
| Чиқинди контейнерлари | 50 | 4,3 | 215,0 | 215,0 | 0,0 | 20,5 |
| Чиқинди йиғиш майдончалари қуриш (МСП) | 7 | 44,2 | 309,5 | 309,5 | 0,0 | 29,5 |
| Чиқиндиларни саралаш линияси (қуввати-йилига 50 000 тн) | 1 | 5 565,0 | 5 565,00 | 5 565,0 | 0,0 | 530,0 |
| Саралаш заводи учун маъмурий-маиший бино қуриш | 1 | 770,5 | 770,51 | 770,5 | 0,0 | 73,4 |
| Чикиндиларни қайта юклаш станцияси учун Пресс-компактор 147 м3/соат (русуми VSP 45 LR, 2 та 30 м3 контейнери билан) | 1 | 571,0 | 571,0 | 571,0 | 0,0 | 54,4 |
| Чикиндиларни қайта юклаш станцияси учун маиший бино қуриш | 1 | 896,2 | 896,2 | 896,2 | 0,0 | 85,4 |
| **Жами инвестиция** | | | **14 150,22** | **14 150,22** | **0,0** | **1 347,64** |
| Изох: Лойиҳадаги валюталар ҳисоби Марказий банкнинг сўмга нисбатан АҚШ долларининг 2021 йил 30-апрелдаги қийматига асосан 10500,0 сўм ҳисобланган | | | | | | |

**Давлат экология қўмитасининг Чиқиндилар билан ишлаш соҳасида иқтисодий таҳлил ва тарифлар бўлими бошлиғи** **О.Рахбаров**

**Давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўлими бошлиғи** **Н.Адхамжонов**